

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 111 (1115)
4
ИЮНЬ
ЧОРШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН

ЎЗБЕКИСТОН ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА САНОАТ НОВАТОРЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Бугун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мажлислар залида инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг биринчи республика съезди очилади. Съезд республикада саноат, қурилиш ва транспортда ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ҳамда автоматлаштириш, фан ва техника ютуқларини, шунингдек янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш асосида меҳнат унвдорлигини таъмин ҳам юқори кўтариш ва шу йўл билан социалистик индустриализмни янада зўр бериб ривожлантириш вазифаларини муҳофаза қилади. Инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш новаторлари съездининг қадрлиги республикада ҳаётда жуда катта воқеадир.

Ўтмишда собиқ Туркистон ўлкасида, бир-иккита қолоқ пахта тозалаш ва ёр заводаларини, ярим куштар усулдаги мастерскояларини ҳисобга олганда, ҳақиқий саноат ўчоқлари мутлақо йўқ эди. Чоризм Россиянинг чекка ўлкаларида саноатни ривожлантиришга бутун тиш-тирноғи билан қаршиллик қўраётган ва тўққонлик қилиб келди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон юксак даражада саноатлашган республикага айланди, машинасозлик, химия, энергетика, нефть, қора ва рангли металлургия, кўмир, руда саноати қайи оғир индустриянинг бир қатор гигант корхоналари, энгил ва оғир-овқат саноатининг жуда кўп янги тармоқлари бунёд этилди.

Миллий қаллардан техника интеллигенциясининг бутун бир армияси етишиб чиққанини ўзига Оқтўбур социалистик революциясининг ўзбек халқига берган энг катта самараларидан биридир. Яқин ўтмишда чархда иш йигирин, лўқонда бўз тўқитган ўзбек бугун қулатиш техника воситасида миллионла-миллион метр турли хил шойи ва иш газламалар тайёрлаётган. Яқиндаги тақдир, ўроқ, кетмон каби оддийгина темирчиликдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиغان ўзбек бугун мамлакат халқ ҳўжалигини асос, балки дўшадан жуда кўп заводалар учун ҳам муҳимма қишлоқ ҳўжалик машиналари, янги, тақомиллаштирилган йигирин-тўқув машиналари, кўтарма механизмлар, кон ускуналари, компрессорлар, дизеллар, экскаваторлар, электр асбоблари ва бошқа турли хил мураккаб ускуналар тайёрламоқда.

Ҳали яқиндагина аҳолиси деярли етпасига саводсиз бўлган ўзбекнинг етпасига саводсиз ўзига айланди. Бугун бўласа ўзбек халқи ўз техника интеллигенцияси ҳамда ишлаб чиқариш новаторларининг республика съездининг ўлка-моҳида, Буларнинг ҳаммаси шонли Коммунистик партиянинг Ленинча миллий сиёсатининг ажойиб мева-ларидир.

Мамлакат экономикаси мисли қўрилмаган суръатлар билан олға қараб бораётганини туғайди социалистик саноатимиз олдинга янги-янги талаблар қўйилмоқда. Шонли инженер-техник ходимларимиз ва ишлаб чиқариш новаторлари социалистик индустриализмни таъмин ҳам янги, юксак поғонага кўтариш йўлида, севикли Ватанимиз куч-қўратини янада мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-тоғмай меҳнат қилмоқда.

Социалистик мусобақа жараянида янгилик изловчилар — ишлаб чиқариш новаторлари сафи кун сайин ўсиб, кенгаймоқда. Ҳар бир корхона коллектив ўзининг ажойиб, таълаб-бўсқор технологиялари, конструкторлари билан, бутун вужуди билан ижодий ишга берилган, чинакамга мўъжизалар яратадиган новаторлари билан ҳақди равишда фахрланади. Махшўр ўғлуви, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Садик Пулатовани, тезкор пилат эритувчи, биринчи ўзбек металлурги Ҳафиз Ганиевни, донгдор пармаловчи

Рустам Зоҳидовни, моҳир токаръ Абдишукр Қодировни, ажойиб ташкилотчи ва талантли инженер Жаҳбор Шобурхоновни, бутун республикага донг таратган экскаватор ма-шинисти Хўжа Алиқуловни, тиниб-тинчиманг яхтирочи Михаил Аношинни ва бошқа жуда кўп новаторларни ким танимайди дейсиз! Ўз меҳнати ва ижоди билан мамла-катимизда коммунистик жамият қурилишига салмоқли ҳисса қўшаёт-ган бу олдий миршорх совет ки-шиларининг номлари ҳамма ерда зўр ҳурмат ва ғўфтор билан тилга олинади.

Республикаимиз меҳнаткашларининг социалистик саноатни вужудга келтириш ва уни зўр бериб юксал-тиришда қўлга киритган муваффа-қиятлари шубҳасиз каттадир. Ле-кин шу билан бирга ҳали олдимиз-да бундан ҳам улуғ, бундан ҳам катта вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарори асосида аҳолининг та-лабларини ва халқ ҳўжалиги аҳти-ёжларини қондириш учун яқин йил-лар ичида химия саноатини, хусу-сан синтетик материаллар иш-лаб чиқаришнинг кескин суратда ривожлантиришимиз зарур. Ирри-гация қурилиши учун машина-лар комплексини, шунингдек пах-та териш машиналарининг энг мукаммал турларини, гўзага ишлов берадиган, далалари текислайди-ган ва бошқа ишларни бажарила-диган машиналарини янги турларини яратиш — машинасозлик саноати инженер-техник ходимлари ва иш-лаб чиқариш новаторларининг шу кеча-кўназдаги энг муҳим вазифа-сидир. Енгил ва оғир-овқат сано-атини ривожлантириш соҳасида ҳам катта вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун конструкторлик бюро-лари, илмий-тектириш институтла-ри ва олдий ўқув юрларининг ил-мий ходимлари билан ишлаб чиқа-риш новаторлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлиқни ҳар тарафлама муста-ҳкамлаш лозим.

Инженер-техник ходимлар ва иш-лаб чиқариш новаторлари соци-алистик индустриализмнинг олтин фондидир. Уларнинг малакаси, сиёсий ва назарий билимлари тинмай ошира бориш ҳажда алоҳида ҳам ҳўрлик қилиш керак. Чунки ҳаёт-дан оқда қолган, юксалин суръ-атларимиздан оқда қолган ҳодим янгиликни пайқаймайдиган ва сез-майдиغان бўлиб қолади, янгилик-нинг асқилик устидан галабасини таъминлай олмайди.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, шунингдек ҳўжалик раҳбарлари ин-женер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг ижодий активлигини бошқилиқ қилишлари, уларнинг ташлабуусини яшириб-бўтган резервлардан тўла ва унумли фойдаланишга, вужудга келадиган янги-янги масалалар ва проблема-ларни ҳал этишга сафарбар қилиш-лари лозим. Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини, ялғор корхона-ларда яратилаётган янгиликларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қил-масдан туриб, техникани янада та-рққий этириб бўлмайди. Шу сабаб-ли асқилик ва қолоқликнинг ҳар қандай қўрилишига, консерватизм мойилликларига қарши шайфатсиз кураш олиб бориш, янгиликнинг га-лабасини таъминлаш учун изчиллик билан ҳормай-тоғмай, сабо ва ма-тондан билан меҳнат қилиш — ҳар бир ишлаб чиқариш новатори ва инженер-техник ходимнинг шарафли бурчидир. Ватан ва халқ манфаат-лари шуни талаб қилади.

Техникани янада тараққий эти-риш учун бошланган умумхалқ ҳа-ракатининг олдинги сафарига бо-раётган инженер-техник ходимла-римиз ва ишлаб чиқариш новаторла-рига шон-шарафлар бўлсин!

Непал короли Махендра Бир Бикрам Шоҳ Дева Ҳазрат Олийлари ва қиролича Ратна Ражия Лакшми Деви Шоҳ Ҳазрат Олияларининг СССРга келишларига доир



СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг таклифига биноан, Непал короли Махендра Бир Бикрам Шоҳ Дева ва қиролича Ратна Ражия Лакшми Деви Шоҳ 1958 йил 4 июнда Совет Иттифоқи-га келадилар.

Короли Махендра 1920 йил июнь ойида Непал пой-тахти Катманду шаҳрида туғилган.

Махендра валиаҳ бўлган даврида давлат (регент) кенгашининг аъзоси эди. Марҳум король Трибуванангун чет элаларга қилган сафарлари вақтида мамлакат-ни бошқариш учун икки марта бундай кенгашни таъ-сис этган эди.

1955 йил 14 мартда Махендранинг отаси король Трибуванангун вафот этгандан кейин Махендра тахтга ўтирди. 1956 йил 2 майда уни тахтга қўтариш рас-мий маросими бўлди.

Короли Махендранинг шахсий иштироки билан Не-пал тараққиётининг 1956-1961 йилларга мўъаллаж-лан биринчи бешйиллик piani, Непал конституцияси

проекти, аграр ислоҳот ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган бошқа бир қанча та-дбирлар ишлаб чиқилди.

Короли Махендра ҳокимлик қилаётган даврда Непал бир қанча мамлакатлар билан (1955 йил август) ва СССР билан (1956 йил июль) дипломатик муносабат-лар ўрнатди. 1955 йил апрель ойида Непал Осий ва Африка мамлакатлари Бангунг конференциясида қат-нашди. 1955 йил декабрь ойида Непал БМТ аъзоли-гига қабул қилинди. 1958 йил бошида король Махендра «Хитой Халқ Республикаси билан Непал Короллиги ўртасида дўстона муносабатларни сақлаш тўғрисида ва Хитойнинг Тибет райони билан Непал ўртасида савло-сотқ ва алоқа тўғрисида» тузилган Хитой-Непал бит-имини ратификация қилди. Короли Махендра Совет Иттифоқининг ядро қуроли синовларини бир ўзи тўх-татиш тўғрисидаги қарорини таъриқлади.

Демократ шоир Фурқат туғилган куннинг юз йиллигига тайёргарлик

Шу йил кузда Ўзбек демократ шоири Зокиржон Фурқат туғилган куннинг юз йиллиги кенг нишонла-нади. Ҳозир республикада Ўзбекис-тоннинг маданий ҳаётидаги бу му-ҳим воқеага тайёргарлик жуда қи-зиқ кетди.

Шу йил 2 июнда юбилей коми-тетининг мажлиси ўтказилди, бу муҳим кўнга тайёргарликнинг бо-риши ҳақидаги масала муҳома қилинди.

Зокиржон Фурқатнинг юз йилли-гига бағишлаб унинг ҳаёти ва ижо-дий фаолияти ҳақида монография ҳамда шеър ва поэма тўпламлари нашр этилди.

Тошкентда ва шоир туғилган Қўқон шаҳрида Фанлар академияси республика ёзувчилар сўзчи билан биргаликда илмий сессиялар ўтқа-зади. Республика композиторлари Фурқат ва унинг замондошларининг

шеърларига ёзилган янги вокаль пьесалар яратиш устида ишламоқ-далар.

Юбилей кунларида Тошкентда тантанали вазиятда шоирга ҳайкал қўрилади. Илгари гимназия жой-лашган Ленин номидаги ўрта Осий давлат университетини биносига ҳам-да Ўқуладш мадрасасида ёлғорлик давҳалари ўрнатилди. Шунингдек бошқа тадбирлар ҳам ўтқизилди. (ЎзТАГ).

ТЮПКОЧИЛАР

У тракторнинг икки томонлама юрб турганини бизга қўл ке-либ қолди, деди. Негаки, баҳор серемгир келиб, ўт чунон ўсиб-ди, уни чопиб йўқотиш ҳам ма-шаққатли бўларди. Қўшимча ра-вишда культиваторга пичоқ ўр-натилиб, гўза икки томонлама бир марта культивация қилиб чиқилгандан кейин пайкални ў-дан аритишибди. Яқинда озиқ-лантритилган ва ҳозир сугорил-аётган гўза аяча бўйчан бўлиб қолди.

Тюпкочилар зеносининг бошли-ги Жўра Турсунов ўзи универ-сални моҳирлик билан бошқариб, зенон гўзаларини бир сидра си-фафди культивация қилиб қўй-ганлигини айтишди. 17 йилдан бери механизатор бўлиб ишлаёт-ган ўртоқ Жўра Турсунов ҳақи-

катан ҳам ўз ишининг устаси бўлиб қолди. У ана шу ерлар-га 50х50 схемаси билан чигит экиб, бу даврда қаторларнинг тўғри бўлиши, чигитнинг тўғри ва нормал тушушини таъминлаш учун курашди. Шунинг учун ҳам у эккан даладарда чигит те-кис униб чиқди ва бутунги кун-да ишл қвадратлар мана мана деб қўзга ташлашиб турибди.

Биз тюпкочилар зеносида иш-лаётган кишиларни суратга ол-дик. Колхозчи Тўхта Пулатова, универсалчи (зенон бошлиги) ҳам Жўра Турсунов, сувчи Рих-сий Юсунов, колхозчи Собир Серикбоев ўртоқлар «Биргалик-да ишлаймиз, механизацияга су-янлиб ҳосилин оширамиз» деб аҳ-д қилишган. Тюпкочилар шу ҳа-ларда ўз сўзларининг устидан

Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик

Совет Социалистик Республика-лари Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси халқ ҳўжалигини ри-вожлантириш перспектив планлари-ни тайёрлаш муносабати билан 1958 йил 18 майдан 2 июнгача Москва-да Совет Социалистик Республика-лари Иттифоқининг СССР Министр-лар Совети Раиси ўринбосари, СССР Госплани Раиси И. И. Кузьмин бошчилигидаги делегацияси билан Венгрия Халқ Республикасининг Венгрия Социалистик илчи партия-си Марказий Комитети Сиёсий бю-роси аъзоси, Венгрия Халқ Респуб-ликаси Министрлар Совети Раиси-нинг биринчи ўринбосари Антал Апро бошчилигидаги делегацияси ўртасида музокаралар олиб бори-ди.

Музокараларда СССР ва Венгрия Халқ Республикасидаги манфаатдор министрликлар ва бошқармалар-нинг раҳбарлари ҳамда экспертла-ри қатнашдилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар вақтида делега-циялар халқ ҳўжалигининг ўзаро боғланган тармоқларидаги ишлаб чи-қаришни янада чуқур иқтисослаш-тириш ва кооперативлаштириш мақсадига СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида иқтисо-дий ҳамкорлик масалалари юзаси-

дан ва 1961-1965 йилларда ўзаро товар етказиб бериш тўғрисида фикр олишдилар.

Делегациялар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ва товар обороти тўла тенг ҳуқуқли-лик ва ўзаро манфаатдорлик асоси-да ривожлантириладиган таъкид-лашдилар.

Совет Иттифоқининг Венгрия Халқ Республикасига проектлар иш-лаб чиқиш ва ҳар хил машина-ус-куналар етказиб бериш йўли билан бир қанча саноат корхоналарини қуриш ва кенгайтиришда ёрдам бериш тўғрисида, шунингдек, Вен-грия Халқ Республикасига темир руз, чўйи, рангли металллар, кокс, нефть, апатит концентрати, ёғоч-тахта, пахта ва бошқа товарлар ет-казиб бериш тўғрисида бир битимга келинди. Венгрия Халқ Республи-каси Совет Иттифоқида машина ва ускуналар, кемалар, медицина уску-налари, дори-дармон, газлама, пой-афзал ва бошқа товарлар етказиб беради.

Олиб бориладиган музокаралар ҳар иккала мамлакатта халқ ҳўжали-гини ривожлантиришнинг келтуси планларини ишлаб чиқиш вақтида бир-бирининг манфаатларини тўла-роқ ҳисобга олишга ёрдам беради.

Музокаралар натижасида тегишли Протокол имзоланди.

Венгрия Халқ Республикаси ҳукумат делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Венгрия Халқ Республикасининг Венгрия Социалистик илчи партия-си Марказий Комитети Сиёсий бю-роси аъзоси, Венгрия Халқ Респуб-ликаси Министрлар Совети Раиси-нинг биринчи ўринбосари Антал Апро бошчилигидаги ҳукумат деле-

гацияси 2 июнда Москвадан вата-нига жўнаб кетди. Делегация СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ҳам-да 1961-1965 йилларда ўзаро то-варлар етказиб бериш масалалари юзасидан олиб бориладиган музокара-ларда қатнашди. (ТАСС).

РСДРП(б) олтинчи съездининг протоколлари

КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, марксизм-ленин-изм институтини КПСС съезд ва кон-ференцияларининг протоколлари ва стенограммалари ҳисоботларини қайта-дан нашр этилади. Бу протоколларнинг кўпи аввал кичик тираж билан нашр этилган эди ва уларни қайта-дан нашр этиш жуда зарур бўлиб қолди.

Шу кунларда КПСС Марказий Ко-митети ҳўзурдаги марксизм-ленин-изм институтини томонидан тайёрлан-ган ҳамда давлат сиёсий нашриёти томонидан нашр этилган «Россия социал демократик илчилар (боль-шевиклар) партияси олтинчи съез-дининг протоколлари» — Октябрь

қуроли қўзғолонини тайёрлаган та-рихий съездининг протоколлари бос-мадан чиқди.

Партия VI съезди протоколлари-нинг бу нашри учун протоколлар-нинг 1919 йилдаги биринчи нашри-нинг текти асос қилиб олинган. Протоколларнинг бу нашри текс-та ёд қилинган номлар, партия таш-килотлари, вақтлий матбуот ҳамда алабий асарлар ва манбаларнинг ўзгаришлари билан, изоҳлар билан таъминланган.

Яқин оғада РСДРП Бутунроссия VII (апрель) конференциясининг протоколлари ҳамда РСДРП I съез-ди тўғрисидаги материаллар тўпла-ми босилиб чиқди. (ТАСС).

Ер учинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

Учинчи сунъий йўлдош 3 июнь эрталаб соат 6 га надар Ер атро-фини 254 марта айланиб чиқди. (ТАСС).



Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганилиги учун област Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

1. Бобўут райони (район партия комитетининг секретари Сар-дорев, райкомком раиси Курбоннов, район комсомол комитетининг секретари Зокиров, район ипаччилик бўлимининг мудир Лавач ўртоқлар).

2. Бўна райони (район партия комитетининг секретари Шай-хов, райкомком раиси Қодиров, район комсомол комитетининг секретари Обидов, район ипаччилик бўлимининг мудир Шокир-монов ўртоқлар).

3. Уртасарой райони (район партия комитетининг секретари Акрамов, райкомком раиси Мадалиев, район комсомол комитетининг секретари Хон, район ипаччилик бўлимининг мудир Гордеев ўртоқлар).



Тюпкочилар зеноси пахта даласининг умумий кўриниши. Суратда (чапдан ўнгга): Рихсий Юсунов (сувчи), Тўхта Пулатова (колхозчи), Жўра Турсунов (зенон бошлиги-универсалчи), Собир Серикбоев (колхозчи).

С. МАҲМАДОВ, Янгиўл райони.

ЎЗБЕКИСТОН ИНЖЕНЕР—ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА САНОАТ НОВАТОРЛАРИНИНГ СЪЕЗДИГА

ТЕХНИКАНИ ЯНАДА ЗҲР КУЧ БИЛАН ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРАЙЛИК!

СЎЗ СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

Ўймакор шогирдларни кўпайтирайлик

Ўзбек халқи қадимдан пухта ва қўркам бинолар қуришда дунёга донг таратиб келган халқ. Бундан неча юз йиллар олдин Ўзбек меъморлари яратган ажойиб архитектура ёдгорликлари ҳозир ҳам кўп кишиларни ҳайратга солади. Ўзбекларнинг айниқса ўймакорлик, наққошлик ва сиргарлик санъати юксак тараққий этганлигига ҳамма қўйил қолган. Марҳум уста Ширин, ҳозирда самарали ишлар қилаётган Сулаймон Ҳожи, Тошпўлат Остонқудов сингари тажрибали бинокор усталар миллий архитектураининг энг яхши намуналарини маҳорат билан қўйлашди.

Мен ҳам шу усталарнинг қўлида иш ўрганишдан бирман. Ҳозир 20 кишидан иборат комплекс бригадда ўймакорлик, моделчилик, бадиий дураторчилик ишларини бажартирмам. Навоий номи театр биносини қураётган пайтимизда, ўз ўғлим Шогирин, Рузи Тагаев, Виктор Никитин, Николай Горачев, Комил Эрхонов, Наби Хасанов, Жалил Ҳабибовларни шогирд қилиб олган эдим. Шундан бери улар мен билан бирга ишлаб, сувоқчилик, ўймакорлик, моделчилик ишларини анча мукамил ўрганишди. Шу кунларда Луначарское соёбқасиятига стационар касалхона биносининг безакларини ясашда улар муваффақият қўлга киритди. Шу йил март ойидан бери шогирд бўлиб ишлаётган Мирҳошим Зокиров ва Ҳикматулла Зайдуллаевларнинг ҳам ишга анча қўли қолди, ўқуви дуруст.

Лекин сўнгги вақтларда негизий тажрибали ўймакор, сиргар, моделчи мутахассислар етиштиришга кам эътибор берилмаётган. Бугун очилган съездимиз мана шу масала юзасидан бир нима дер, деб ўқиб қиламиз.

Ҳожи ҚОСИМОВ,

158-қурилиш трестининг ўймакор устаси.

Нормал ишлаш учун қулай шароит яратиб берилсин

Бизнинг босмахонада кундалик ва ойлик топириқни бажармайдиган ишчи йўқ, деса бўлади. Зоя Дроздова, Мария Маткова ўртоқлар сингари новатор верстальниклар, Зайнаб Орипова, Валентина Николотова, Лидия Мальцева ўртоқлар каби тажрибали ҳарф терувчилар юзлаб ҳисобланади. Шуларнинг жонбозлиги кўрсатиб ишлаши туфайли босмахона давлат планларини муваффақиятли бажариб келмоқда, топирилган китоблар ўз вақтида сифатли чиқарилаётган.

Бироқ коллективимиз ҳозиргидан бир ярим-икки баъарар унумли ва янада сифатли ишлашни қодир, лекин бунинг учун нормал шароит яратиб берилмаган: цехлар ҳозирги мақсулот ишлаб чиқариш ҳажми талабига жавоб беролмай қолган, уларда иш участкалари, машина ва асбоб-ускуналар, касаллар жуда сиқилиб қолган, ҳатто ишлаб чиқариш кенгайлашсини ўтказиш, умумий мажлислар қилиш учун ҳам жой йўқ. 700 кишилик коллективимизнинг кўпчилиги хотин-қизлардан иборат, лекин болали оналарнинг фарзаңларини тарбиялаётган бочка ва ясли йўқ. Шу сабабдан ҳам кўп деярли ишдан бўшаб қетишга мажбур бўлаётган.

Агар биз, ишчиларга нормал шароит яратиб берилса, корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини тез суръатлар билан юксалтиришимиз турган гап. Республика полиграфия саноати Бош бошқармаси ва босмахона раҳбарлари бу тўғрисида жиддий қайғиришлари керак.

Хури ТУХТАЕВА,

Тошкентдаги 1-босмахонанинг ҳарф терувчиси.

Рационализаторлар ва ихтирочилар сафини кенгайтирайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Ҳукуматиимизнинг социалистик саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига қўйган улуғвор вазифаларини тез ва муваффақиятли бажаришда рационализаторлар ва ихтирочилар жуда катта роль ўйнайди. Республика, жумлаан областимизда меҳнатқашларни халқ хўжалигининг барча соҳаларини тез суръатлар билан тараққий эттиришда уларнинг муносиб ҳиссаларини қўймоқдалар.

Бугун очилган съездимизда техникани янада тараққий эттиришга, мавжуд қувватлардан максимал фойдаланишга, ҳомаш ва материал ресурсларини қўллаб тежашга қаратилган тақдирлар кўпайган новатор ишчилар, механикаторлар, бинокорлар, мастерлар, инженерлар ва техник ходимлар қатнашади. Шахтёр Иван Братерский, кўмир қазувчи Ойла Аблямитов, бинокор Раҳим Зияев, тепловоз машинисти Бахорат Мирзобоева, кабелчи Файзулла Сайфитдинов, металлург Р. Гойибназаров, химик У. Холматов, қўроғини қазувчи А. Артефев, гишт терувчи А. Одилов, пойафзалчи инженер А. Исмолов, қандолатчи инженер А. Хасанов, машинасоз инженер А. Муртабобов ўртоқлар шулар жумласидандир.

Рационализаторлар ва ихтирочилар халқ хўжалигини тараққий эттиришда ётган битмас-туғамас резервларини яхши солишда, ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ижодий таълаббўсоқлигини оширишда энг асосий ва энг қулай воситалар. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукумат бу ҳаракатни ҳамма жойда кенг миқёсда авж олдириб юбориш масаласига катта эътибор бериб келмоқдалар. Шу йил январь ойида ВЦСПС Президиуми ихтирочилар ва рационализаторлар Бутун-

Абдулла билан биринчи қўриқинидаёқ унинг ўзимизнинг қадимий дўстимиздек ҳис қилдик. Биз у билан технология кабинетига киридик. Карборундиннинг янги мақсулотларидан намуналар қўйилган полкага яқинлашар эканмиз, Абдулла карборундиннинг рационализатор ва ихтирочилари ҳақида завқланиб сўзлаб берди.

Лекин ҳар қанча уринмайлик, Абдулла ўзи ҳақида бир-икки оғиз таъдан нарга ўтмади. Шунинг учун бу тадбирни беш инженернинг ишларини у билан бирга меҳнат қилаётганлардан сўраб билдик.

Абдулла Муҳитдинов карборундин заводида ўрта Осиё политехника институтининг химия-технология факультетини тугатган келган экан. Ҳали ўқитиш бормасан бу навқирон йитиш завод ишчиларини ўртасида ўзининг ишбилармонлигини, янгиликни интилувчанлиги билан ҳурмат қозонди. 1954 йилда у боийтинг цехига технолог этиб тайинланди.

Абдулла шу цехга келган дастлабки кунлариданоқ монокорундлар тайёрлаш процессини ихчамлаштириш устида иш олиб борди. Ёш мутахассис цех бошлиғи ўртоқ И. Городицкий билан ҳамкорликда карборундин пелларига солинадиган шихта составини яхши қориштиришнинг янги усулини ишлаб чиқди. Бу тадбир пелларнинг

юқори унум билан ишлашини таъмин этди. Натижада илгари 6 тонна карборундин эрийдиган пеллар эндиликда 8,5 тоннага қадар мақсулот бера бошладилар. Бу янгилик йилга корхонанинг 200 минг сўм маблағини тежаб қилиш имкониятини тугдирди.

Абдулла бунинг қанча уринмайлик, Абдулла ўзи ҳақида бир-икки оғиз таъдан нарга ўтмади. Шунинг учун бу тадбирни беш инженернинг ишларини у билан бирга меҳнат қилаётганлардан сўраб билдик.

Абдулла Муҳитдинов карборундин заводида ўрта Осиё политехника институтининг химия-технология факультетини тугатган келган экан. Ҳали ўқитиш бормасан бу навқирон йитиш завод ишчиларини ўртасида ўзининг ишбилармонлигини, янгиликни интилувчанлиги билан ҳурмат қозонди. 1954 йилда у боийтинг цехига технолог этиб тайинланди.

Суратда: мастер Д. Юсупов, завод бош технологининг ўринбосари А. Муҳитдинов, старший инженер Э. Карчагина ўртоқлар пеллардан олинган кремний карбиди сифатини текширмоқдалар.

Бунда эритувчи Аҳмад Нуримов билан суҳбатлашиб ўтириб, «сен нима дейсан, пелларни ёниб турган вақтда карборундин қилиш мумкин эмасмикин?» деб сўраб қолди. Аҳмад шу ҳақида илгари бир ўйлаб қўрганлигини беш инженерга билдирди. Шу кунги улар смена тамом бўлган, техника кабинетига киришди. Улар карборундин пелларини юқори қисмидан беҳуда қилиб кетмаётган иссиқликни сақлаб қилиш тўғриси-

ва партия ташкилоти эритувчи Аҳмад Нуримов ҳамда инженер Абдулла Муҳитдиновнинг янги ихтиро билан қизгин табиқладилар. Бу янги тақдир йилга бир ярим миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаб қилаётган.

1957 йил Абдулланнинг шахсий ҳаётида унутилмас йил бўлди. У шонли Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Ёш инженер ҳамон икки ой меҳнат билан шугулланмоқда. У, жамоат ишларида актив қатнашади. Корхона БРЗининг энг актив ихтирочиси сифатида ишчиларга, мастерларга уларнинг тақдирларини ишлаб чиқаришга жорий этишда яқиндан қўмақлашади, жон қуйди. Шунинг учун ҳам цех ишчилари, рационализаторлар ва ихтирочилар коммунист инженердан чин қалбдан миннатдордилар.

Бугун корхонанинг юзлаб икки ой меҳнат кишилари — корхона бош технологининг ўринбосари талантли инженер Абдулла Муҳитдиновнинг уларнинг муносиб вакили сифатида инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг республика съезди делегат қилиб юбордилар. Абдулла уларнинг ана шу ишчиларини оқлаш учун бундан кейин ҳам ғайрат билан ишлашга, янгилик яратишга отланган.

А. АБДУАЗИМОВ.

Юқоридики сабот билан ўрганиди. У ҳамма тийинлардан сўмлар йиғилишини, ватлардан киловаттлар тўпланишини ўқиб ва шу йўсинда киши меҳнатини энгиллаштиришга аниқлаштириш қидиради. Бир кун у 3-печ

да кўп бош қотирдилар. Ниҳоят икки ёшнинг орауси рўбга чиқди: пеллар ёниб турганда ҳам пелларнинг карборундин қилиш мумкин эканлигини назарга жиҳатдан ишбўлаша муваффақ бўлдилар! Завод маъмурияти

ИНЖЕНЕР

Тинч тун. Деразадан эсар шаббода, Ойиб нелар кизга гуллар атрини, Қиз қўлида тутган линейка, — чизар, Гоҳ китоб вақилар, гоҳ дафтарини... Осон этай дейди, дам оймай тунлар Халқим меҳнатини машина қўриб, Меҳнат унумини оширсан дейди, Цехларни бошқарса бир киши туриб, Утишда чордевор ичра оҳ чеккан, Негаки саводсиз, ҳуқуқсиз инсон — Ўзбек қизи бўлди бугун инженер. Топа олди мангу бахтидан нишон. Пенкида, Бомбейда ҳам Варшавада, Совет инженерини табарук қўли, Қураб завод, мактаб ҳам шифона,

Тинчлик қалъасига элтар дўст йўли, Совет инженерини қилиб қирғи ёриб, Партида атмадан халқлар учун нур, Қутбда қалашиб ётган музларнинг, Ёгдек исолган оламга машхур, Совет инженерини ижодкор қўли, Ойга, юлдузларга ҳам эга олди. Ётди иккин оша чекмас самоза, Юз пудлаб металлни иргата олди. Мен ҳам инженерман, чекмас нувошим, Севган Ватанимга хизмат атаман. Одайинг инженерини табарук қўли, Мен Совет элининг инженериман.

Шухрат ҚОСИМОВ,

инженер.

ти-вақти билан конференция ва конкурслар ўтказиб турадилар. Хўла, жамиятлар рационализатор ва ихтирочилар сафини тўхтовсиз кенгайтира бориш — ҳамма меҳнат унумдорлигини оширишга, мақсулот сифатини яхшилаш ва унинг танларини камайтиришга, иш шариотини яхшилашга қаратилган тақдирлар сонини кўпайтириш юзасидан кенг оммавий-ташқилий ишлар олиб борадилар. Биз съезд делегатларидан, областимиз саноат корхоналари, транспорт, қурилиш қўлайтириш, рационализаторлик ва ихтирочилар ҳаракатини ривожлантиришга халалет бераётган ҳамма

«Ўзбекшохтестрой» трестда рационализатор ва ихтирочилар билан ҳеч қандай иш олиб бормайди, янгилик яратувчиларга нисбатан бюрократларча муносабатда бўлимоқда (Мухбир хабаридан).

ЧАНГ БОСДИ...

Ихтиро яратиб, севинчи тошиб, Ишчи бюрога! боради шошиб, Бошлиқ-чи ясама кули-ла шу кез — Янгилик! Ҳўп яхши! — деб олади тез: — Бир кун қўриб чиқиб жавоб айтма, Таклиф маъқул тўшса жорий этамиз. Ишчи ҳафта кутди, кутди ҳатто ой, Бошлиқ-чи бепарво, юрар индамай. Қатнайди у ойнаб «таиш» рақбарга, Лекин у олмайд ҳеч эътиборга,

Корхона рационализаторлик ва ихтирочилик бюроси.

Ўнги-ю, тушида доим ихтиро,— Ихтиро чанг босиб ётади аммо! Ишдан қайтар маюс, Ишчи бекотат, Ҳатто таоминда йўқ лаззат, роҳат, Пойафзал йиртади ҳамон кетма-кет, Ихтиро ётади тоқай хом макет? Қоғоз чанги нетар қоқилса секин. Телса ҳам тебранимас бошлиқини лекин, Қирилади қачон қалбадаги занг? Қоқилади қачон фикридаги чанг? Раҳима ҚОСИМХУҲАЕВА.

СЎЗ СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

Химиклар овози

Қўп минг кишилик коллективимиз қишлоқ хўжалигига мумкин қадар кўпроқ минерал ўғитлар етказиб бериш мақсадида технология процессларини аъло даражада бошқариш, ремонт муддатини камайтириш учун курашни тобора кучайтирмоқда.

Бир гуруҳа новаторларнинг мавжуд ички ресурслардан ва ёрдамчи материаллардан тўлароқ фойдаланиш учун социалистик мусобақани қизитиш юзасидан бошлаган ташаббуси катта фойда келтирмоқда. Аппаратчилар, мастерлар, техник ва технологлар ўртасида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати кун сайин кенгайиб бормоқда.



Мен ҳам кўп қатори аппаратчилар ишининг янада баракали бўлишига қаратилган бир қанча тақдирлар киритдим. Эритиш пелларни олдидан ҳомаш солинган идишни очиб ва металл «барабан»ларга ишлов беришни илгари ёрдамчи ишчилар бажарар эдилар. Мен бу операцияларни аппаратчиларнинг ўзлари адо этишлари мумкинлигини кўрсатдим. Шунингдек, бекорга чиқариб юборилган идишлардан иш хоналарини иситишда фойдаланиш ҳақидаги тақдир ҳам амалга оширилди.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарори биз химикларнинг ғайратимизга-ғайрат қўшиб юборди. Бизлар бу тарихий қарорни теъроқ амалга ошириш учун барча куч ва малакамизни ишта соламиз.

Убайдулла ХОЛИҚОВ,

Чирчиқ химия комбинатининг аппаратчиси.

Геологлар отряди кенгаймоқда

Бугун республикамиз пойтахтида очилган съездеда ер ости бойликларини топиш, эксплуатация қилиш ишлари билан шугулланувчи олимлар, инженер-геологларнинг каттагина отряди ҳам иштирок этади. Бу аъло Ўзбекистонда техника интеллигенциясининг янги отряди етишиб чиққанлигидан, республикамизда илм-фаннинг гонг тараққий этганлигидан далолат беради. Илгари битта ҳам геолог олими, геология соҳасида илмий-тектириш институти бўлмаган Ўзбекистонда ҳозир ўндан ортиқ олим геология-минералогия фанлари доктори, ўттизлаб ортқи киши шу фанларнинг кандидати даражасини олди. Республикада мингта яқин геолог ишлаб туряпти. Махсус геология факультетларида геологларнинг янги-янги отрядлари етишиб чиқмоқда, геология соҳасида илмий иш олиб борушчи муассасалар кенгаймоқда.

Ўзбекистон геолог олимлари ўз ижодларида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Республика ероти билимларини кидириб топиш ва эксплуатация қилиш соҳасида бир талай тақдирлар олиб боришти. Академик К. Абдуллаевнинг маънавларининг пайдо бўлиши ҳақидаги монографияларида янги назария майдонга ташланди. Шунинг учун ҳам бу асарлар жаҳон геологлари ўртасида шухрат қозонди, хитой, румин тилларига таржима қилинди. Геологларимиз КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, турли тузлар, нефть, ероти бойликлари, газлар ва бошқалардан кенг фойдаланиш йўлида катта ишлар қилмоқдалар. Айниқса ероти сув ва газ ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ишлар катта перспективасига эга.

Бугун очилган съезд бошқа соҳалар билан бир қаторда республикамиз геологларининг ишига ҳам яқун асади, улар олдидан турган муҳим масалаларни аниқ кўрсатади, айниқса геолог қадарлар тайёрлашнинг янада яхшилаш йўллари кўрсатиб беради деб ишонамиз.

Ғ. МАВЛОНОВ,

Геология-минералогия фанлари доктори.



Ғ. МАВЛОНОВ,

Олимлар заводда

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тоғ бўлими икки йилдан бери Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалар заводи коллективини билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб бораётди. Бу ерда иш олиб бораётган илмий ходимлар хомашининг химиявий таркибини, маҳсулотни эритиш процессларини, водород газининг маҳсулот эритишга таъсирини, химиявий ва технология процессларининг ишлаб чиқариш билан узвий боғланишини, маҳсулотнинг сифатини ва турларини илмий-техник томондан ўрганишмоқда.

Академия тоғ бўлимининг 16 илмий ходими заводидаги 1 ва 2-механизаторлар цехларида илмий практика ишларини олиб бораётди. Булар орасида М. Иброҳимов, А. Пўлатов, М. Бомиллов, А. Мансуров, З. Фозилов, Е. Фаттохов, Г. Қокибаева, Б. Смирнов ва катта ўртоқдор бор. Бундан ташқари САГУ ва Тошкент политехника институтларининг химия-технология факультетлари студентлари ҳам қаттиқ қотишмалар заводида практика ўтказмоқда. Завод коллективни практикантларга яқиндан ёрдам бераётди.

Т. УРУНОВ.

Механизаторларга қулайлик

Балиқчи районидagi машина-трактор станцияси Кеес айловодаги чорвадорларга хизмат қилади. Илгари бу ерда устакхона бўлмаганидан тракторларнинг ремонт қилиш ёки бирорта запас қисми учун узоқ жойга боришга тўғри келарди.

МТС дирекцияси СССР Олий Совети сессияси чиқарган Қонуни амалга ошира бориб, айловода маҳсулот ремонт устакхонаси ташкил қилинган. Ушбу устакхонада трактор, бошқа қишлоқ хўжалик машиналари энди шу ернинг ўзида ремонт қилиниб, керакли запас қисмлар билан таъминланаётди. Айниқса ҳозирги ҳафта ўрнш қаманини ҳафтада бу устакхона муҳим роль ўйнамоқда.



Авиаторлар СССР Ҳарбий-Ҳаво Флотини қуниши яхши тайёргарлик билан қўшиб олмоқдалар. Самолёт техникни Р. Трошченко самолётларни учинга тайёрлашда яхши натижаларга эришмоқда. Суратда: офицер техник В. Ситников (ўнгда) самолётни учинга тайёрлашда Р. Трошченкога берилган топириқнинг қандай бажарилганини текшириб кўрмоқда.

В. ПАНОВ ФОТОСИ.

Санъат музейининг янги экспонатлари

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейига яқинда янги асарлар қўйилди. Рус санъати бўлими экспозициясига расм С. Федоровнинг «Григорий» деган полотноси қўйилган. Асарда XIX асрнинг иккинчи ярми пейзажчилигининг энг яхши традицияси ўзифосини топили.

Музейнинг совет бўлими экспонатлари орасида талантли расмларнинг янги асар ва амалий санъат асарлари бор. Айниқса, расмлардан П. Бенковский «З. М. Ковалевская портрети», Ю. Елизаровнинг «Ўзбекистон санъат арбобларининг портрети» асарлари тамошаниларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Амалий санъат асарлари ўстида қўйилган берилган келатган қорақалпоқ тоғлиқ санъаткорларнинг иллари, ўймакор М. Қосимовнинг бешиқлариди гулдор ётоғи ҳам эътиборни жалб этади.

Музейга келатган тамошанилар янги экспонатларини катта қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.



«Ташсельмаш» заводи механика цехининг ёш ишчиси Музаффар Сайфилинов тоқарлик касбини тез кунда ўрганиб олди. Ҳозир у «ДТ-24-3» тракторига ишлатилган деталларни сифатли ишлашда ҳаммага намуна бўлмоқда. Суратда: тоқар М. Сайфилинов навбатдаги детални ишлашга ҳозирланмоқда.

В. Салов фотоси.

Янги курс

Томир йўли Тошкент бўлими ҳузурида яқинда товар поездида учун старший кондукторлар тайёрловчи икки ойлик курс очилди. Ҳозир бу курснинг ҳар иккала гуруҳида 90 киши ўқимокда.

Курс таъинловчилари ўқиниш таъинловчи областимизнинг турли жойларидан яқиндан ташкил қилинган темир йўли станцияларида ишлайдилар.

Юсуф ШОМАНСУРОВ.

Булоқ

Икки қўшни республика чегараси бу, Қозоқ овулига туташ ўзбек қўрғони. Бунда очилди ёқут доғлар сулуви, Бахмал қирлар ётар денгиз каби тўлғаниб.

Қайнаб отиладиган машҳур шифобахш булоқ, Шу икки халқ қишлоқ қони тўқилган ердан. Эрта тонган бўлди ҳаёт мавж урар, қайноқ, Меҳмонлар келишар бунга қўп қардош элдан.

Бу бир булоқки, қардошлик меҳридай қайноқ, Ҳар дил сезиб турар унинг ҳаётбахш тафтини. Ва шу меҳрали тинимасдан жўшади ҳар чоқ, Тиниқлиги тунда ойни этди мафтуни.

Тондан оқшомгача олтин нур тўкиб қуёш, Жилвагар мавжига олов кўз-ла боқар лол. Бундан бир кўза сув олиб қизлар ювса бош, Қирқ кочили етмиш кочил бўлади тол-гол.

Бу бир булоқки, тоғиёси минг дарға шифо, Агар бир шўғисанг танда қолмайди гўбур. Ожиз кўзларга ҳам шунинг суви тўтиб, Ҳаста қўнигида ҳам шу сув уйғотар баҳор.

Бу шифо чашмаси бағри чексиз ўлканинг, Саҳий тупроғида фақат бир тоғчи инжу. Қайнар қон бўлган... ҳеч бир бойлик келмас тенг,

Тошми олтин, қуми гавҳар, сероб ўлка бу!

Шекспир трагедияси студентлар ижросида

Ўрта Осиё политехника институтини ҳаваскор студентлардан иборат ўзбек драма тўғраги ташкил этилганга 10 йил бўлди. Ҳаваскорлар шу давр ичида «Ревизор», «Макар Дубрава», «Скапеннинг найрағлиги», «Шохи сузана», «Ҳамза», «Генерал Раҳимов» каби пьесаларни тайёрлаб саҳнага қўйилган. Тўғрақ аъзолари Шиллер ва Шекспир каби машҳур классикларнинг ўлмас асарларини ҳам саҳналаштириш даражасига кўтарилди. Жумладан улар ўтган йили Шиллернинг «Қароқчылар» трагедиясини саҳналаштириб, жамоатчилигининг олдишига сазовор бўлган эдилар.

М. НОСИРОВ.

ҚОРАСУВ РАЙОНИДА

ОТА-ОНАЛАР КОМИТЕТИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН

Райондаги Сталин номида 10-ўрта мактабда ўқувчилар сонининг йилдан-йилга кўпайиб бориши натижа-сида мавжуд бино талабга жавоб бермасди. Масала мактаб ота-оналар комитетига муҳомама этилиб, қўшимча хоналар солишга қарор қилинган эди. Яқинда янги ети хонали бино битказилиб фойдаланишга топширилди. Натижада мактабда таълим-тарбия ишларини янада яхши йўлга қўйиш учун қўлай шароит яратилди.

КОЛХОЗ ТЕХНИКАНИ СОТИБ ОЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарори ва СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган Қонунга мувофиқ МТСдан зарур техникани сотиб олиш учун Свердлов номида қўл ости правлениеси бўлинимас фонддан катта миқдорда пул ажратди. Бу маблағга МТСдан «универсал», ДТ-54, «Белорус», ХТЗ-7 тракторлари, чизель, борова, маккадўҳори ақалиган селжа, халсақини ўриб, қирқиб силос тайёрлайдиган комбайн ва бир қанча тиркачи асбоблари сотиб олинди.

ЧОРВАДОРЛАР КУНИ

Районда ҳар ойнинг бешинчисида «Чорвадорлар кўни» ўтказишга қарор қилинди. Шу кўни чорвадорлар ўз ишларидаги ютуқ ва камчиликларини муҳомада қилдилар, тажрибаларини ўртоқлашдилар ҳамда навбатдаги ойда қилинадиган ишларини белгилаб чиқадилар.

Ғ. ИМОННАЗАРОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭҒАЛАРИ

Булар саҳнада кўринмасалар ҳам...

Театрда иккинчи даража-ли ҳолим ёки пех бўлмайди. Бу ерда ишловчи ҳамма



Бош расм Г. Визель.

ҳодим ва цехларнинг ўзига яраша хизмат, тутган ўрни бор. Шу сабабли ҳам санъатчиларнинг «театр» вешалнадан бошланади» дейишлари бежиз эмас.

Театр бир бутун организм, кўп санъатнинг бир-лашган ансамблидир. Актернинг бадий сўзи ва ҳаракати, қўшиқ ва музика, декорация ва ранг-баранг чироқларси саҳна асари бунёдга келмайди.

Тамона залида ўлтирган киши фақат актергагина эътибор беради, саҳналаги ҳаёт худди ўзи яратилгандек туюлади. Ваҳоланки, ана шу спектаклни тайёрлашда актёр, режиссёр ва расм билан бирга ўйлаб ҳодимлар меҳнат қилганлар. Ушбу материалда спектаклнинг қизиқарли, бадиий юксак бўлиб чиқиши учун жуда кўп меҳнат сарфланди, аммо саҳнада кўринмайдиган ҳодимлар тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Республикамизнинг йиринк маданий муассасаси — Муқимий номида музикали дра-



Реквизитор Х. Солихов.

ма театрида бўлди. Ижодий коллектив Москвада бўлган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига аталган спектакллар устида ишлай-ётган. Бутофтор цехининг кичикроқ бир хонасида кирди. Хонада баҳор манзараси... Қизғин барғли олма дарахлари яшнаб турибди.

Электр нури — қуёш барғларга олтин ранг берган. Дарахнинг шоҳлари шундай табиийки, уни сым ва докадан ясалганга ишона-майди киши. Ана шу манзаранинг авторини Андрей Ким билан танишдик.

Бутофторчи Андрей Ким театрда тўрт йилдан бери ишлар экан. У театр-техника билан юртининг бутофтор бўлимини тамомлаган. Андрейнинг театрда ишлаб бошлагани ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай у «Ватан ишқи», «Равшан ва Зулхумор», «Олтин кўл» ва бошқа спектаклларни тайёрлашда қатнашиб муваффақият қозонди.

Театрнинг бош расмони Г. Визелдан спектаклларни жиҳозлаш ҳақида сўзлаб бериши илтимос қилди. Расм иш хонасига бошлаб кириб, спектаклларнинг декорациясини кўрсатди. Қозғола акс этган декорацияда ҳалиги бутофтор хонасида кўрганимиз баҳор манзараси акс эттирилган эди.



Бутофторчи А. Ким.

Декорацияларни тезла алмаштириш, антрактларнинг қисқа бўлиши саҳна мастери ўртоқ Маргуновга боғлиқ.

— Ени ёритишни олайлик, — дейди расм сўзида давом этиб, — саҳна рўпарасида турган прожекторларни ҳаммагиз кўргандик. Спектаклнинг таъсирли бўлиб чиқишида ана шу прожекторларни бошқарувчиларнинг хизмати катта. Шундайлардан бири камтар ҳодим М. Бройдодир.

Саҳнада ўйин давом этиб турган вақтда артист ёки режиссёрга бирор нарса зарур бўлиб қолса дарҳол режиссёрга мурожаат қилинади. Реквизитор цехига ишчан ҳодим Х. Солихов бошчилик қилади. Шунингдек, бичиқчи К. Селиванов, дурадогдор Данилин, бадиий пех бошлиғи Полужетов ва бошқа жуда кўп ҳодимлар ҳам ўз постларида шараф билан ишлаб келмоқдалар.

О. АПУХТИН.

В. ПАНОВ ФОТОЛАРИ.

АДАБИЙ КЕЧА

Оқунбобоев номидаги шаҳар Маданият уйида ўнга яқин тўғрақ, шу жумладан, адабиёт тўғраги мунтазам ишлаб турипти. Яқинда ана шу тўғрақ иш бошлаганига 5 йил тўлди. Ўзунчи Райратий раҳбарлик қилаётган мақор тўғрақ ўтган давр ичида бир неча ёш шоир ва ёзувчиларни тарбиялаб етиштирди. Тўғрақнинг 5 йиллиги муносабати билан бу ерда ёш ёзувчилар иштироки билан адабий кеча ўтказилди ва уларнинг китобларидан баставка ташкил этилди. Кечани Маданият уйининг директори ўртоқ О. Шарипова қисқача кириш нутқи билан очди. Шундан кейин тўғрақ аъзоси Маҳкам Раҳмонов «Адабиёт тўғрақининг ижодий ўсиш йўли» деган темалда гапириб берди.

— Сўз ёш ёзувчиларга берилди. Улар янги ёган шёвр ва ҳикояларини ўқиб бердилар.

Кеча охирида Маданият уйи бадиий хаваскорлари катта концерт қўйиб бердилар. И. РУСТАМОВ.

СПОРТ БЮЛЛЕТЕНИ

Чирчиқ электротехника комбинати «Химик» кўнглиги спорт жамаити катта форматда маҳсулот спорт бюллетени чиқариб, ўнла шаҳарда физкультура ва спортнинг тобора ривожланиётганини кўрсатувчи қизарқили материаллар берилган. Булар орасида ВПСИП секретариатининг комитетини кўнглиги спорт жамаитига «Касба» сўз ташкилотининг энг яхши физкультура коллективия» номи билан хизматлари қарори ҳам бор.

Бюллетенда босилган «Касба» соҳа спорт жамаитига, «Ватан» миз футболчиларига 60 йиллиги, «Шағичилар орасида», «Бокс секциясида» каби мақолалар ва спортчи ёшлар эришган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа кўнглиги хабарлар ўқувчилар диққатини жалб этаётди. Бундан ташқари бюллетенда спортнинг кўп турлари бўйича ўтказилаётган тренировканинг акс эттирувчи турли фотосуратлар ҳам бор.

«Алтин» кўп тиражга газета редакцияси томонидан чиқарилган спорт бюллетенининг шаҳарнинг ёш спортчилари эътибори билан ўқимокдалар. Бундай бюллетен вақти-вақти билан чиқариб туялади. Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

СПОРТГА ҚИЗИҚИШ

Янгийўл районидagi Ленин номида 7-ўрта мактаб ўқувчилари ўртада спорт машғулотларига қизиқиш тобора кучаймоқда. Яқинда мактабда спортчи ўқувчиларнинг терма командалари тўзланди. Бунга мактаб физкультура ўқитувчилари Г. Сельвингев ва А. Беглов ўртоқлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Ҳозир бу терма спорт командалари ўртасида волейбол, футбол, бокс, штанга кўтариш, шашка-шахмат, югуриш каби 8 дан ортқ спорт турлари бўйича тренировка машғулотлари мунтазам равишда ўтказилиб турибди. Бу машғулотларга 100 дан ортқ ўқувчи қатнашиб, ўз спорт маҳоратини оширмоқда. Қ. СОБИРОВ.

Телевизор Экраниди

5 ИЮНДА
19.30 Бадиий фильм — «Қардошлар».
21.00 Свердлов номидаги концерт залидан Ҳораз ашула ва рақс ансамблининг концерти олиб кўрсатилади.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМИ ТЕАТРДА (қишқичи) — 4 ва 5/VI да янги спектакль Янгир.

НАВОИЙ НОМИ ТЕАТРДА — 4/VI да Жигель, 5/VI да Флория Тоска, 6/VI да Улғубек, 7/VI да Кармен.

СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 4/VI да Катта концерт.

«ИСКРА» (қишқичи) — кундуз ва кечкурун янги кино повесть Юрак хотираси, 3-ақлда кеч соат 9-20 минутда Шошов солдат Швейк.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва 11 йирда Этик қилган Мутхунинг янги саргузаштлари, қолган сеансларда янги киноповесть Ловийас.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечкурун Штепсель Таралуньяни уйлантиради, кеч соат 10 да Юрак хотираси.

«УДАРНИК» — Юрак хотираси.

«САЛЮТ», «ХИВА» — янги кинокомедия Штепсель Таралуньяни уйлантиради.

КАФАНОВ номи — кеч соат 8-45 минутда Юрак хотираси, кеч 10-45 минутда Бечора севимли онам.

Қизил қарвон кўча, 21-6 уйда турувчи Суяна Шлемович Соладарнинг Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 3-проезд, 21-уйда турувчи Нина Шлемовна Соладардан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 2-участка халқ судида қўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34803, 136. Совет қўриқлиш бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Ўзловлар бўлими — 38142.